


## КОНФУЦИЙЧИЛИКДА ИНСОН МУАММОСИНИНГ ТАЛҚИНИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-547-555

**Пўлатова Дилдор Акмаловна**

фалсафа фанлари номзоди, профессор

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Шарқ фалсафаси ва маданияти  
кафедраси мудири

**Аннотация:** В статье анализируются основные аспекты древней китайской философии, особое внимание уделено проблеме человека в конфуцианстве. Рассматриваются этические аспекты учения Конфуция через призму нравственности человека как сущностного составляющего его жизнедеятельности и общества в целом.

**Ключевые слова:** Конфуцианство, проблема человека, «порядок»

(Ли- 禮), «человеколюбие» (Жень – 仁), совершенство, этика добродетели.

**Abstract.** This article analyzes the main aspects of ancient Chinese philosophy, special attention is paid to the problem of man in Confucianism. The ethical aspects of Confucius' teaching are considered through the prism of human morality as an essential component of his life and society as a whole.

**Keywords:** Confucianism, the problem of man, «order» (Li), «humanity» (Ren), perfection, virtue ethics.

Инсон муаммоси ҳар доим мутафаккирларнинг диққат марказида турган асосий муаммолардан бири бўлиб келган. Айниқса, у қадимги Хитой фалсафасининг буюк намояндаси Конфуций ва унинг издошлари таълимотларида ўзининг ёрқин ва ўзига хос ифодасини топган.

Бугунги кунда Хитой тарихийликни ва замонавийликни, Шарқ маданияти ва Ғарб цивилизацияси қадриятларини ўзида мужассам этган, 2,5 минг йилдан зиёдроқ давр давомида цивилизация ривожини узлуксиз давом этиб келаётган мамлакатдир. Хитойда сулолаларнинг 500 ёки 800 йил давомида ҳукмронлик қилганлиги, бу ерда маданий анъаналарнинг ноёб хусусиятларига эга эканлигидан далолат беради. Хусусан, Хитой цивилизацияси ривожини ва маданий анъаналарнинг шаклланишида фалсафий тафаккурнинг, айниқса Конфуций ва унинг издошларини таъсири кучли бўлган.

Аслида, Конфуцийчилик – Конфуцийнинг ахлоқ фалсафасидир. Конфуций ва унинг издошлари томонидан ривожлантирилган конфуцийчиликнинг асосини инсонпарварлик, эзгулик, раҳм-шавқат, меҳр-оқибат, ўтмиш авлод ҳаётига ҳурмат билан қараш; ота-она, оила, жамият олдидаги бурчига садоқатли бўлиш каби фазилатларни тарбиялаш билан боғлиқ ғоялар ташкил этади. Унга кўра, ахлоқли ва билим орқали дунёни англаган кишигина етукликка, комилликка эришади (junzi).

Конфуцийчилик ягона, бир бутун таълимот сифатида шаклланмаган бўлсада, барча даврларда асосий эътиборини жамиятнинг ахлоқий қоидалари, ижтимоий меъёрлари ва бошқарувини такомиллаштиришга қаратган. Конфуций, унинг издошлари ҳам жамиятнинг ахлоқий таназулидан хавотирланиб, инсон тарбияси ёрдамида ижтимоий муҳитни барқарорлаштиришга ҳаракат қилдилар. Дунёда адолатсизликка барҳам бериш йўллари ҳам айнан ахлоқий комилликда изладилар.

Конфуций (мил.ав.551–479 йй.)нинг ҳақиқий исми Конг Фузи (устоз Кун) бўлиб, лотинча ёзилишда Конфуций сифатида қайд этилган. Бу мутафаккир (олдинги исми Кун-цю) Хитойнинг биринчи файласуфи ҳисобланган. Конфуций бир неча йиллар давомида Шарқий Хитой давлатлари бўйлаб саёҳат қилган ва ҳаётининг сўнгги йилларини шогирдлар тарбиясига, мумтоз китобларнинг таҳлилига бағишлаган. Унинг таълимоти Цинь сулоласи ҳукмронлиги даврида таъқиқланган бўлса-да, Хань сулоласи даврида Конфуций катта эътиборга сазовор бўлиб, унинг қарашлари илоҳийлаштириш даражасигача етган.

Конфуций биринчи бўлиб, Хитой халқи маданий анъаналарини умумлаштириб, яхлит фалсафий тизим ҳолатига келтирди. Конфуцийнинг фикрлари ўз шогирдлари билан қилган суҳбатлари тарзида сақланиб қолган. Унинг қарашлари «Лун юй» («Суҳбат ва мулоҳазалар») китобида баён этилган. Асар XX аср бошларига қадар 2 минг йилдан ортиқ вақт давомида хитойликларнинг бошланғич таълимда ўқиб ўзлаштиришлари шарт бўлган китоб ҳисобланган.

Конфуций инсоннинг комилликка эришишида билим олишнинг муҳим эканлигини алоҳида таъкидлайди. У ўз шогирдларига қарата шундай насиҳат қилади:

Фақат билим олиб, лекин мулоҳаза юритмаслик бу янглишишдир.  
Мулоҳаза юритиб, лекин билим олмаслик эса хатарлидир;

Биладиганингни билдим деб ҳисобла, билмаганингни билмадим деб бил.  
Бу – донишмандликдир;

Бидъатчининг таълимотини ўрганиш – фалокатдир;

Турли хил фикрларни кўпроқ тингла. Шубҳа уйғотган масалаларни четга суриб, қолган арзигуликлари борасида ўз фикрларингни эҳтиёткорлик билан баён эт. Шундагина хатога кам йўл қўясан. [1]

«Лун юй»да Конфуций фикрлари услубий ва қатъий мантикий тарзда ифода этилмаган бўлсада, унда *инсон ахлоқий камолотининг* асосини ташкил этувчи ўзаро алоқадор 5 ибтидо ёки барқарорлик негизлари кўрсатиб берилган. Булар: «жень» – инсонпарварлик; «син» – самимийлик, ишонч; «ий» – бурч адолат; «ли» – маросим, анъана; «чжи» – тафаккур, билим. Шунингдек, Конфуций бу фазилатларни ўзида мужассам этган «олижаноб эр» тушунчасини илгари сурган.

Конфуций таълимотининг моҳиятини инсон ва у билан боғлиқ асосий табиат, коинот мавжудлигининг универсал, абадий қонунини англаш ташкил этади. Унда ҳаётдаги уйғунликни таъминлаш учун тафаккур ҳозирги замондан ўтмишга йўналтирилган. Шунингдек, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро уйғунликни таъминлашни мақсад қилиб қўйилган.

Хитойда Конфуцийгача ҳам ўтмиш авлодлар руҳини илоҳийлаштириш билан боғлиқ диний анъана мавжуд эди. Лекин Конфуций бу анъанани фарзанднинг–отага, аёлнинг–эрига, ёшларнинг–ўзидан катталарга, халқнинг–хукмдорга бўлган ҳурмат–эҳтироми – «сяо», яъни инсоннинг энг муҳим *бурчи* тушунчаси билан бойитди. У ўз шогирдларига қарата шундай дейди: «Бурчни кўрганда қўлни қовуштириб туришинг – номардликдир». Конфуций ахлоқ фалсафасининг асосини айнан «бурч» категорияси ташкил этади. Бу ғоя, кейинчалик немис мумтоз фалсафасининг йирик намояндаси Иммануил Кант томонидан янада ривожлантирилди.

Жамият, Конфуций фикрича, азалдан иккига: ерни ишловчи «қуйи табақа» ва уларни бошқарувчи «юқори табақа»га бўлинган. Бундай бўлинишни у табиий ҳол деб қарайди. Аммо Конфуций таълимотининг ўзига хос хусусияти шундаки, у бундай бўлинишни мутлоқ, деб ҳисобламайди. Чунки, унинг фикрича, даставвал, ҳар бир инсон ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишиши керак. Агар, шундан сўнг у одамларни бошқариш санъатини ҳам чуқур эгалласа, ундан кейин юқори табақага кўтарилиши мумкин.

Конфуций таълимотида «тартиб» тушунчаси муҳим ўрин тутди. Унинг фикрича, тартиб инсоннинг табиатга, жумладан, кишилар ўртасидаги муносабатларида намоён баладиган умумий орзудаги истак туфайли ўрнатилади. Тартиб (*ли*) ташқи хатти-ҳаракатни, яъни хулқни ҳам ўз ичига олувчи ахлоқий тушунча сифатида намоён бўлади. Тартибга риоя этиш бурч мажбуриятларини

мақсадга мувофиқ равишда бажарилишига олиб келади. Конфуций фикрича, ўз вазифаларини тартибли бажариш инсонпарварлик(жэнь)нинг намоён бўлишига олиб келади. Инсонпарварлик – инсонга нисбатан қўйиладиган барча талабларнинг асосидир. Унинг асосини қуйидаги икки тамойил ташкил этади: *1) ўзинг нимага эришмоқчи бўлсанг, бошқаларга ҳам шунга эришишига ёрдам бер; 2) ўзинг хоҳламаган нарсани, бошқаларга ҳам раво кўрма.*

Конфуций давлатни оқилона бошқариш йўллари ҳақида фикр юритар экан, унинг бош мезонини – давлат равнақи ва барқарорлигини таъминлашда деб билди. Конфуций фикрича, ҳукмдор одамларни куч ёрдамида эмас, ахлоқ қоидалари, адолатга асосан, ўзининг ахлоқий намунаси орқали бошқариши лозим. «Лун юй»нинг иккинчи бобида шундай дейилган: «Халқ маъмурий буйруқбозлик билан бошқарилса, унинг хатти-ҳаракатлари исканжалар ёрдамида тартибга солинса, оддий халқ мажбуран ўзини жиноят содир этишдан тийиб туради, лекин жиноятнинг иснодлигини англаб етмайди. Халқ мурувват ва ишонтириш йўли билан бошқарилса ва ахлоқ қоидалари, адолатга асосан бошқарилса, бундай халқ эгри иш қилиш иснодлигини тушунади. Шунингдек ўз хатоларини ўзи тўғрилай олади». Демак, Конфуций халқнинг ахлоқий онги ва маданиятини жамиятни оқилона бошқаришнинг муҳим омили сифатида тушунган.

Конфуцийчиликнинг бош ахлоқий-сиёсий тамойилларига қуйидагилар киради:

– Халқни саҳоват билан бошқариш ва ахлоқ қоидалари ёрдамида халқни тартибли қилиш»;

– «Осмон иродасидан кўрқиш» ва «ўлганлар руҳининг хотирасини хурмат қилиш»;

– «Туғма билимлиларни ва таълим орқали билимли бўлганларнинг мавжудлигини тан олиш, яъни таълим олиш орқали билимга эга бўлиш ва таълимнинг муҳим аҳамиятини тан олиш»;

– «Олтин ўрта йўли», қўлда икки қарама-қарши томонни ушлаган ҳолда халқ учун ўрта йўлни тутиш, яъни зиддиятларни юмшатиш ва мурасага келиш таълимоти.

Конфуций мамлакатни бошқаришнинг оқилона йўллари ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: «Халқ маъмурий буйруқбозлик билан бошқарилса, унинг хатти-ҳаракатлари исканжалар ёрдамида тартибга солинса, оддий халқ мажбуран ўзини жиноят содир этишдан тийиб туради, лекин жиноятнинг иснодлигини англаб етмайди. Халқ мурувват ва ишонтириш йўли билан

бошқарилса ва ахлоқ қоидалари, адолатга асосан бошқарилса, бундай халқ эгри иш қилиш иснодлигини тушунади. Шунингдек ўз хатоларини ўзи тўғрилай олади»[2].

Конфуций идеаллари жуда самимий ва ҳаққоний, содда, тушунарли ва бажарилиши осон бўлганлиги учун ҳам, Хитойда кейинчалик Қурия ва Японияда кенг тарқалди ҳамда деярли 2000 йил давомида уларнинг фикрлаш ва турмуш тарзига, умуман маданияти ва цивилизацияси ривожига бевосита таъсир кўрсатиб келди. Лекин, шу билан бирга, Конфуций таълимотида келажак эмас, ўтмишда бўлиб ўтиб кетган «олтин давр» идеалларини эъзозлаш ва унга қайтиш ғояси илгари сурилган.

Унда оилавий муносабатлар ижтимоий муносабатларга тенглаштирилар экан, фуқаронинг ҳокимга, бошлиқнинг ўз қўл остидаги хизматчига бўлган муносабати ўғилнинг отага ва уқанинг акага бўлган муносабатига қиёсланади. Хизмат юзасидан бошлиққа нисбатан бўлган муомала тартибига риоя этиш учун Конфуций адолатлилик ва ижрочиликнинг асосий қоидалари (*и*)ни ишлаб чиқди. Адолатлилик ва ижрочилик ҳақиқатни борлиқ сифатида тушунишга боғлиқ бўлмаганлиги туфайли, Конфуций бу масала билан махсус шуғулланмади.

Унинг фикрича, инсон унинг ҳолати тақозо этгандек хатти-ҳаракат этмоғи лозим. Тўғри ижрочилик хатти-ҳаракати – бу шундай одобки, унда тартиб ва одамгарчиликка қатъий равишда риоя қилинади, негаки, «олийжаноб эр қайси нарса яхши ижрочиликка киришини, худди кичик лавозимдаги одамлар нима фойдалигини билганидек, унинг фарқига борадилар». Конфуций таълимотига кўра, маълумотли кишиларнинг йўли (*дао*) шундай бўлиб, улар ахлоқий куч (*дэ*)га эгадирлар ва шунинг учун ҳам жамиятни бошқариш уларга ишониб топширилиши керак.

Конфуцийнинг ахлоқий-сиёсий таълимоти қандайдир назарий билиш асосига таянмайди. Билим (*чжи*) ва унинг келиб чиқиш масаласини Конфуций қадимги китобларни ўрганиш ва қадимги аждодлар тажрибасидан иқтибос қилишда, деб билди. Унингча, билимнинг асосини ўқиш ташкил этиб, унинг манбаси қадимги ривоятлар ва солномалардир. Шунинг учун, конфуцийчиликка жамият тараққиётидаги илгариги ва янги тажрибага танқидий муносабатда бўлиш, улардан хулосалар чиқариш хос бўлмаган, ҳар қандай янги ҳодиса эскига тажриба нуқтаи назаридан баҳоланар ва ўтмишга бориб тақалар эди. Масаланинг бундай қўйилиши Хитой ўтмишини идеаллаштиришга олиб келди.

Хитойда даоизм ва буддавийлик ғоялари ҳам мавжуд бўлишига қарамай, айнан конфуцийчилик мил.ав II асрдан то XX аср бошларига қадар расмий мафкура мавқеини сақлаб келди.

Унинг бундай юқори мавқега эга бўлганлигининг сабаби, энг аввало, диққат марказида асрлар мобайнида ижтимоий ҳаёт негизини ташкил этувчи инсон, унинг ахлоқий камолоти муаммоси билан боғлиқлигидадир. Чунки Конфуций ва унинг издошлари фикрича, «осмон ва ердан туғилган барча мавжудотларнинг энг қадирлиси инсондир»; «ўзининг ички моҳиятини англашга эришган инсон ундан бошқа қадирлироқ мавжудот йўқ эканлигига ишонч ҳосил қилади». Инсоннинг ҳаётдаги ўрни унинг хулқ-атвори, фазилатлари, унинг ўзини қанчалик чуқур англашига ҳам боғлиқ бўлади. Демак, жамият равнақи инсон камолотига, инсон камолоти эса ахлоқий таълим ва тарбияга боғлиқ бўлиб қолади.

Конфуцийчилик фалсафий анъаналари – умуминсоний қадриятларни эътироф этганлиги учун ҳам асрлар мобайнида ўзининг кадр-кимматини йўқотмади, балки Хитой маданиятининг муҳим ажралмас хусусиятига айланиб қолди ва цивилизацияси тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб келди.

XX асрда яшаб ижод этган – Лян Шумин (1893-1988) замонавий неоконфуцийчиликка асос солган машҳур хитой файласуфларидан бири бўлган. Ўтган асрнинг II ярмида Хитойда бошланган «янги маданият учун ҳаракат» даврида Конфуций таълимоти танқид остига олина бошланди. Ана шундай шароитда Лян Шумин Хитой маданиятини Ғарб маданияти билан солиштириб, биринчисининг ўзига хос хусусиятларини айнан конфуцийчилик таълимотининг таъсири билан изоҳлар экан, унда ақл-идрокнинг устивор бўлганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Хитойнинг ўз миллий дини йўқлигига сабаб, ақл-идрокнинг, яъни ахлоқий онгнинг диний онгга нисбатан эртароқ уйғонганлигидадир. Бу эса – Конфуций таълимотининг бевосита таъсири остида вужудга келган. Лян Шумин таълимотига кўра, Ғарбда инсон хатти-ҳаракатлари «айб» ва «бахт» тушунчалари орқали баҳоланса, хитойликлар учун бу – «бурч» ва «ҳақиқат» тушунчаларидир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, хитойликлар «динлар кўп, аммо ҳақиқат ягона», дейишни яхши кўрадилар. Яъни уларнинг фикрича, барча динлар ягона ҳақиқатлар билан боғлиқ. Конфуций таълимоти эса, инсон ақл-идрокини уйғотишга ва унга инсонни итоат этишга ўргатади. Ҳар бир инсон ўз ақл-идроки ёрдамида нима яхши-ю, нима ёмонлигини, нима ҳақиқат-у, нима ёлғон эканлигини ажратиш олиши лозим. Конфуций мактаби инсондан «ўзлигини

англашни», «ўзидан сўрашни», «ўзлигидан қидиришни», «ўз ақл-идрокига мурожаат қилиш ва доимо ундан мустақил равишда фойдаланиш»ни талаб этади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хитойда насроний миссионерлар ҳаракати авж олган бир шароитда, конфуцийчиликнинг мавқеи қайта кучайиб, у насронийликка қарши турувчи дин сифатида шаклланди. XX аср бошларида Хитойда коммунистик тизимнинг ўрнатилиши билан конфуцийчилик «эскилик сарқити», ўтмишнинг ортиқча эътирофи сифатида танқидга учради, лекин сўнгги йилларда тузумнинг либераллашуви натижасида у яна ўз мавқеини тиклай бошлади.

Ҳозирги даврда Хитойда юз бераётган ижтимоий, маданий ўзгаришлар, амалга оширилаётган модернизация мамлакатда «халқ руҳи», шунингдек, «хитой миллатининг буюк қайта тикланиши» билан боғлиқ ғояларни амалга оширишда конфуцийчиликнинг маданий анъаналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, маданий анъана, энг аввало, ўзлигини ва ўтмишни англаш, ундан оқилона хулоса чиқаришга, миллий ўзликни йўқотмасликка, халқни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи миллий ғоянинг шаклланишига ёрдам беради. [3]

Фалсафий тафаккур ва умуман цивилизация тарихи билан шуғулланувчилар учун мазкур таълимотларнинг жуда кўп асрлар давомида ўз ҳаётийлигини сақлаб келаётганлигининг сабаби нимада, деган савол бефарқ қолдирмайди. Бунинг сабаби, ўйлаймизки, бу таълимотларда илгари сурилаётган ғояларнинг қайси даврда шаклланган бўлишидан қатъий назар, ҳар бир инсон учун алоқадор бўлган умуминсоний қадриятлар билан боғлиқлиги ҳамда бу қадриятларнинг барча учун тушунарли шаклда баён этилганлигидадир. Шундай экан, бу ғояларни бугунги кунда ҳам ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Конфуций. «Лун юй». Н.Исматуллаеванинг хитой тилидан таржимаси асосида. –Т.:ТДШИ. 2013. –Б.25-26.
2. Конфуций. «Лун юй».–Т.:ТДШИ. 2013. –Б.23.
3. Современный Китай. Ванесса Лайд Уиткомб и Майкл Бенсон. Москва. АСТ.Аситрель. 2006.
4. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.

5. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
6. Мирзахмедова, Х. В. (2014). О некоторых проблемах формирования железнодорожных терминов (на материале персидского языка). *Вестник Челябинского государственного университета*, (14 (343)).
7. AMANOV, K. (2015). THE MATTER OF DIVIDING AGES IN HISTORY OF TURKIC OFFICIAL METHOD. *Turkish Studies (Elektronik)*, 10(12), 57-68.
8. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).
9. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
10. Хашимова, С. (2020). НЕКОТОРЫЕ ГРАММАТИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УДВОЕНИЯ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура* (pp. 334-338).
11. Nadira, K. (2017). The problem in translation from Japanese to Uzbek in the novel "A Wild Sheep Chase"-Focusing on Politeness. *Literary Imagination*, 19(3), 760-771.
12. Ashiralievich, V. A., & Vasilovna, M. K. (2020). The interactive means of learning oriental languages. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 78-86.
13. Омонов, К. Ш. (2015). Типы деловых документов в истории старотюркского литературного языка. *Paradigmata poznani*, (3), 71-74.
14. Khalmurzaeva, N. T. (2019). СПОСОБЫ КЛАССИФИКАЦИИ ВЕРБАЛЬНЫХ ФОРМ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 27-33.
15. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
16. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ-СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'рлат № 2/та'sul muharrir МА Rahmatullayev.-Издательство: Vita Color T.: 2014.-161 б., 29.*



17. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics, 10*(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.